


УСТОЗ АЁЛЛАРГА ЭХТИРОМ КҮРСАТИЛДИ



Қумқърғон туманидаги 33-сонли умумтаълим мактабида 8-март "Халқаро хотин-қизлар куни" муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда тумандаги барча мактаб директорлари, бўлим ходимлар иштирок этдилар. Халқ та'лими бўлим мудири Н. Исматов сўз олиб, барча аёлларни байрам билан табриклади.

"Энг яхши хорижий тил мактаби" танлови ғолибларини ҳам тақдирландилар. ХТБ тизимида фаолият кўрсатаётган барча аёлларни туман халқ таълими

бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма бўлинмасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирлади.